

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВА ДИЛБАР ЭШПЎЛАНОВА

**КЛАСТЕР ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ (МАКТАБ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТИ МИСОЛИДА)**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Қаршиева Дилбар Эшпулатовна

Кластер воситасида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияни шакллантиришнинг педагогик асослари (мактаб малакавий амалиёти мисолида)..... 3

Қаршиева Дилбар Эшпулатовна

Педагогические основы формирования профессиональной компетентности будущих учителей на основе кластерного подхода (на примере школьной квалификационной практики)..... 25

Karshieva Dilbar Eshpulatovna

Pedagogical foundations of the formation of professional competence of future teachers based on the cluster approach (on the example of school qualification practice)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 52

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВА ДИЛБАР ЭШПЎЛАНОВА

**КЛАСТЕР ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ (МАКТАБ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТИ МИСОЛИДА)**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.Phd/Ped2445 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферат уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz/ilmiy-kengash) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжамқулов Умид Негматович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, профессор

Рахимов Бахтиёр Худойкулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-45-41 e-mail:chdpi_kengash@umail.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.У.Қодирова

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (DSc)

У.Н.Ходжамқулов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда кадрларнинг, хусусан, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга эришилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари” ҳамда Европа Иттифоқининг “Европа олий таълим макони” Концепциялари мазмунида “Компетентликка асосланган ва шахсга йўналтирилган таълим асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш” олий таълимнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу жаҳон мамлакатлари олий таълим маконида касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини таълимни ташкил этиш ва бошқариш жараёнига интеграциялашни тақозо қилмоқда.

Дунёда ўқитувчилар касбий компетенциясининг педагогик асослари, касбий компетентликнинг педагогик аспекти, инновацион таълимда касбий компетентликни кластер воситасида шакллантириш, бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шартлари, ўқитувчи касбий компетенциясини ривожлантиришга оид технологияларни жорий этиш муаммолари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларга катта аҳамият берилмоқда. Ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган мазкур тадқиқотлар ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантириш мезонлари, уни таркиб топтиришнинг ижтимоий, педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек, ўқитувчи касбий компетенциясини шакллантиришнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқишда илмий-назарий ҳамда методологик асос вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда “Учинчи Ренессанс” пойдевори қурилаётган, таълим соҳасида ислохотлар амалга оширилаётган ҳамда таълим тизими тубдан модернизация қилинаётган бир даврда ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини ошириш муаммоси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада Президентимиз “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари рухлантирмоқда”,¹ деб таъкидлаган эди. Янги Ўзбекистон шароитида меҳнат бозори ҳамда иш берувчилар талабларига жавоб берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш, малакавий амалиёт жараёнини модернизациялаш, уни ташкил этиш бўйича миллий ва ҳудудий моделларни яратиш ҳамда амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш муаммонинг илмий жамоатчилик томонидан чуқур тадқиқ қилинишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон

¹ Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу объектив заруратдир / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 17 август. №165(421).

“Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда педагогик таълим кластерининг илмий-назарий асослари, ундаги узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик ва бошқа тамойиллари, унинг инновацион модели ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш механизмлари Ғ.И.Мухамедов, Ш.Қ.Мардонов, У.Н.Ходжамқулов, Ш.И.Ботирова, С.А.Тоштемирова ва бошқаларнинг ишларида муайян даражада ёритилган. Шунингдек, педагоглар касбий хислатларини ривожлантирувчи омиллар, хусусан, ўқитувчи касбий фаолиятининг психологик муаммолари бўйича тадқиқотлар А.И.Расулов, А.М.Жабборов, Д.Г.Мухамедова, Ю.М.Асадов; бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш ва тарбиялаш масалалари Ш.Х.Абдуллаева, Г.М.Махмутова, Н.С.Саидахмедов, А.Г.Морозов, Б.Х.Рахимов, Н.Д.Шодиев, Ў.Қ.Толипов, Н.Н.Азизходжаева, Ю.А.Ахроров, Л.М.Митина, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Джураева, Ж.Ғ.Йўлдошев, А.Н.Маркова, У.Н.Нишаналиев каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Н.В.Кузьмина, В.А.Адольф, Н.А.Муслимов, И.А.Зимняя, А.А.Деркач, В.А.Сластенинларнинг тадқиқотлари бўлажак ўқитувчини тайёрлашнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, касбий компетентликни ривожланиш методологияси ва педагогик-психологик жиҳатлари, андрагогик тамойиллари ва технологияларига бағишланган.

Хорижлик олимлардан J. Rawen, R. Boyatzis, D. Bartram, W. Hutmacher ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида касбий ўзини ўзи такомиллаштиришнинг концептуал масалалари, педагогик таълим контекстида профессионал амалиёт жараёнларини такомиллаштириш методлари, шунингдек, компетентли педагог кадрларни тайёрлаш муаммолари муайян даражада ёритиб берилган.

Маҳаллий тадқиқотлар таҳлилига таяниб хулоса қилиш мумкинки, бўлажак ўқитувчи-талабаларда малакавий амалиёт даврида касбий компетенцияни шакллантиришнинг педагогик асосларини очиқ берадиган

илмий тадқиқот ишлари етарли эмас. Педагогнинг касбий компетенцияси ва компетентлиги муаммоси маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган бўлса-да, уни мактаб малакавий амалиёти жараёнида шакллантиришнинг педагогик асослари эътибордан четда қолмоқда. Мактаб малакавий амалиётини бўлажак ўқитувчининг касбий компетенциясини шакллантирувчи омил сифатида тадқиқ этиш зарурати тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади кластер ёндашувига асосланган мактаб малакавий амалиёти воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

кластер ёндашуви воситасида касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиёти моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак ўқитувчиларда малакавий амалиёт воситасида касбий компетентликни шакллантиришда кластер ёндашувидан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини очиқ бериш;

кластер ёндашуви воситасида касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиётининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг кластер воситасида касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиёти сифатини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент вилояти Чирчиқ, Жиззах, Навоий, Қўқон, Нукус давлат педагогика институтларининг 503 нафар респондент-талабалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини кластер ёндашувига асосланган мактаб малакавий амалиётида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, моделлаштириш), диагностик (суҳбат, сўровнома, кузатиш, таснифлаш), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), математик ва педагогик эксперимент (маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари талабаларнинг мотивацион ва интеллектуал ўқув-билиш фаолиятини малакавий амалиёт билан интеграциялаш мезонлари ҳамда компетентликка асосланган кўп босқичли малакавий амалиёт

механизмларини педагогик таълим ўқув жараёни мазмунига изчиллик, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаган ҳолда сингдириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари талабалардаги мотивацион, интеллектуал, фаолиятли ўқув-билиш фаолиятини малакавий амалиёт билан интеграциялаш мезонлари ҳамда компетентликка асосланган малакавий амалиёт механизмларини педагогик таълим ўқув жараёни мазмунига изчиллик, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаган ҳолда сингдириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг малакавий амалиёт воситасида касбий компетентлигини шакллантиришда Европа “мактаб кластери” (European “School cluster” structure – ESC) дан фойдаланишнинг матнли, аудиовизуал, ёрдамчи, модели дидактик имкониятлари педагогик таълим инновацион кластерининг табиий алоқадорлик, йўналтирилганлик, мақсаднинг умумийлиги каби тамойилларини мактаб малакавий амалиёт жараёнида вариатив асосда қўллаш орқали очиб берилган;

кластер ёндашуви воситасида касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиёти модели ва унинг касбга йўналтирувчи-адаптив, интеграллашган ташкилий компонентлари бўлажак ўқитувчи когнитив фаолиятининг танишув-билиш, тушуниш-қўллаш, таҳлил-умумлаштириш, рефлексия-баҳолаш алгоритмик босқичларини тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кластер ёндашувига асосланган мактаб малакавий амалиётида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда кластер ёндашувига асосланган малакавий амалиёт воситасида касбий компетенцияни ривожлантириш бўйича электрон ўқув-услубий мажмуа ҳамда дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

“Малакавий амалиёт” кредит-модулининг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган;

кластер ёндашуви воситасида касбий компетентликка асосланган малакавий амалиётни ташкил этишга доир ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогиканинг асосий тамойилларига асосланганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммо юзасидан республикамиздаги ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда ғояларига таянилганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсад ва вазифаларининг адекватлиги, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “кластер ёндашуви воситасида компетентликка асосланган малакавий амалиёт” тушунчасининг мазмун-моҳияти, модели, бўлажак ўқитувчиларни малакавий амалиёт жараёнида

касбий фаолиятга тайёрлаш тузилмаси, касбий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик омиллари аниқлаштирилганлиги ҳамда малакавий амалиёт жараёнига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ механизмларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогик олий таълим муассасалари “Малакавий амалиёт” кредит-модули бўйича асосий ва ёрдамчи воситалар, қўлланмалар, ўқув-услугий ва дидактик материалларни ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари, яратилган электрон ўқув-услугий мажмуа, ишлаб чиқилган дастурий таъминот ишланмаларидан фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини малакавий амалиёт билан интеграциялаш мезонлари, компетентликка асосланган малакавий амалиёт механизмларини ўқув жараёни мазмунига сингдириш бўйича таклиф ва тавсиялар 5110600 – Тарих ўқитиш методикаси таълим йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда ҳамда “Озарбайжон-Ўзбекистон: адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 25 августдаги 02-07-2148/04-сон далолатномаси ҳамда Озарбайжон Фанлар Академияси Низомий номидаги адабиёт институтининг 2020 йил 10 майдаги 67-сон далолатномаси). Натижада амалиётчи-талабаларда касбий компетенцияни шакллантиришга оид фанлараро ва хусусий компетенциялар тизими такомиллаштирилган;

педагогик таълим инновацион кластерининг тамойилларини мактаб малакавий амалиётида қўллаш асосида очиб берилган бўлажак ўқитувчиларнинг малакавий амалиёт воситасида касбий компетентлигини шакллантиришда Европа “мактаб кластери” структураси (European “School cluster” structure – ESCS)дан фойдаланишнинг матнли, тасвирли, аудиовизуал, ёрдамчи, модели дидактик имкониятлари бўйича ишлаб чиқилган илмий методик таклиф ва тавсиялар “Марказий Осиёда касбий таълимни ривожлантириш” номли грант лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат аграр университети 2021 йил 6 августдаги №1/4-1-2340-сон маълумотномаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 25 августдаги 02-07-2148/04-сон далолатномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг малакавий амалиёт жараёнида касбий компетентлигини шакллантириш структураси хорижий механизм ва дидактик имкониятлар билан бойитишга эришилган;

кластер ёндашуви воситасида касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиёт модели ва унинг ташкилий компонентлари (касбга йўналтирувчи-адаптив амалиёт, интеграллашган амалиёт, касбий тажриба амалиёти) бўлажак ўқитувчи когнитив фаолиятининг танишув-билиш,

тушуниш-қўллаш, таҳлил-умумлаштириш, рефлексия-баҳолаш алгоритмик босқичлари бўйича билдирилган илмий хулосалар “Касбий таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетенцияларини ривожлантириш технологияси” ҳамда “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” номли амалий лойиҳалар мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 25 августдаги 02-07-2148/04-сон далолатномаси ва Қарши давлат педагогика университетининг 2021 йил 2 июлдаги 04-2174-сон далолатномалари). Натижада педагогик олий таълим муассасаларида касбий компетентликка асосланган малакавий амалиётни, шунингдек, олий таълим ва умумий ўрта таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил қилиш механизмлари ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш имкониятлари такомиллаштирилган;

кластер ёндашуви воситасида касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиётининг ўқув-услугий таъминоти (ўқув-методик манбалар, дидактик воситалар, электрон таълим ресурслари, баҳолаш мезонлари)ни вариативликка йўналтирилган ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш ва эргономик талабларнинг табиий, ижтимоий-психологик, техник-ташқилий шакллари асосида такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсия ва хулосалардан “Таълим ва тараққиёт”, “Болалар учун”, “Болалар ва биз” номли радио эшиттиришларда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 9 августдаги 04-25-1301-сонли маълумотномаси). Натижада касбий компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиётининг ўқув-услугий таъминоти назарий-амалий жиҳатдан бойитилган ҳамда ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш ишлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув-услугий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги ва зурурияти асосланган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим

йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг баёни ҳамда уни амалиётга жорий қилиш натижалари, шуниингдек, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мақтаб малакавий амалиётида бўлажак ўқитувчи касбий компетенциясини шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқиладиган муаммонинг асосий жиҳатлари, хусусан, “касбий компетентлик” ва “касбий компетенция” каби тадқиқот таянч тушунчаларининг педагогик-лингвистик таҳлили, уларга олимлар томонидан берилган таъриф ва шарҳлар, касбий компетентликнинг замонавий ўқитувчилик фаолиятининг устувор шартли сифатидаги талқини, бўлажак ўқитувчиларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни, инновацион ёндашувлари очиб берилган. “Компетенция”, “компетентлик” каби тушунчалар бўйича турли тиллар доирасидаги таъриф ва қарашлар батафсил кўриб чиқилган, айниқса, компетентликка асосланган таълим шароитида ўқитувчининг таълим жараёнидаги функция ва роли касбий компетентлик нуқтаи назаридан очиб берилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда “компетенция” ва “компетентлик” тушунчасига қуйидагича муаллифлик ёндашуви асосида таъриф берилган:

компетенция – бу муайян (педагогик) муаммони ҳал қилиш, тўсиқларни енгиб ўтиш ва мақсадларга эришишни таъминлайдиган, муваффақиятли ҳаракат қилишнинг ўзига хос стратегияси бўлиб, у маълум бир предмет ва жараёнлар доираси билан боғлиқ бўлган ҳамда улар доирасида профессионал ижодий фаолият учун талаб этиладиган, ўзаро чамбарчас боғлиқ хусусиятлар мажмуи (билим, маҳорат, кўникма, касбий лаёқат);

компетентлик – шахснинг ўз фаолият предмети ва шахсиятига монанд муайян компетенцияларга эгаллигини ифодаловчи ҳамда ўзлаштирилган самарали стратегиялар орқали муваффақиятли фаолиятни таъминлайдиган интеграл шахсий ресурслар. Ўрганилган илмий фикр ва хулосаларга таянган ҳолда биз “компетентлик”ни “компетенция”нинг ҳосиласи, деган фикрга қўшилаемиз. Компетентлик бутун бир тизимни англатувчи тушунча, компетенция эса унинг таркибий қисми. Малакавий амалиёт бўлажак ўқитувчининг компетентлигини шакллантирувчи муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади ва бунда амалиётчи-талаба (бўлажак ўқитувчи) компетентлиги унинг ўз педагогик фаолиятида қўллай оладиган билим, методика ва педагогик маҳорати сифатида намоён бўлади, деган хулосага келиш мумкин. Соҳавий адабиётларда замонавий ўқитувчининг касбий компетентлиги шартли равишда унинг касбий, шахсий, умуминсоний ва маданий ҳамда махсус

компетенциясиларга ажратиб ўрганилади¹. Касбий компетенция, ўз навбатида, педогогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш, ўқувчиларда мотивацияни шакллантириш, ахборот-коммуникацион технологияларни (АКТ) билиш, таълим муҳитига янгилик киритиш, ўз фанини мукамал билиш, хорижий тилларни ўзлаштириш ва бошқалардан таркиб топиши аниқланди.

Таҳлилий фикрларни умумлаштирган ҳолда касбий компетентлик тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб билдик: **касбий компетентлик** – бирор касб эгасининг профессионал билим, кўникма ва маҳорат даражаси, фаолиятни амалга ошириш учун назарий ва амалий тайёрлигининг бирлигидир. Унинг юзага чиқиши профессионал билим, маълумот, касбий тажриба, касбий фаолиятга тайёргарлик, илмий лаёқат, касбий фидойилик каби тушунчалар билан бевосита боғлиқ.

Соҳага оид тадқиқотларда “касбий-педагогик компетентлик” ва “касбий-педагогик компетенция” тушунчаларини учратамиз. Жумладан, “касбий-педагогик компетентлик атамаси касбий-педагогик фаолият соҳасидаги компетенциялар доирасини белгилайди. Касбий-педагогик компетентлик таълимга нисбатан шахсий фаолият ёндашувининг натижасидир, чунки у ўқитувчининг шахсига тааллуқли, у муайян фаолиятлар қаторини бажариш жараёнида синовдан ўтказилади ва шаклланади”² каби фикрлар орқали юқоридаги тушунчаларни тўғри талқин этишимиз мумкин бўлади. Бунга таяниб қуйидаги таърифни келтириш мумкин: ўқитувчининг касбий компетентлиги – бу педагогик фаолиятни амалга оширишга тайёрлик ва қобилликни белгиловчи интегратив, шахсий, умуминсоний, махсус ва касбий фазилатларга эгалликни, шунингдек, фанга оид муайян билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирганликни англатувчи тушунчадир (1-расм).



1.-расм. Ўқитувчининг касбий компетентлиги тушунчаси

¹Абдулаева Ш.Х. Педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий психологик механизмлари // психол. фан. бўйича фан докт. (DSc) дисс. – Т., 2019. – 213 б.

² Краевский В.В., Хуторской А.В. Предметное и обще предметное в образовательных стандартах // Педагогика. – М., 1993. – № 2. – С. 9-10.

Умуман, ўқитувчи касбий компетентлигининг шаклланганлигини қўйи (репродуктив), ўрта (репродуктив-ижодий) ва юқори (ижодий-индивидуал) каби даражалар билан белгилаш учун тадқиқотимизда мезонлар ишлаб чиқилди. Малакавий амалиёт мазмунини ва унинг натижаларини баҳолашда ҳам мазкур мезонлар ўзининг илмий асосланганлиги билан аниқлик касб этади.

Замон талабига мос, “Жаҳон меҳнат бозори”да рақобатбардош кадрларни тайёрлашни мақсад қилувчи профессионал таълимда кластер ёндашувни Г.В.Мухаметзянова, Е.А.Корчагин, Н.Б.Пугачева, А.В.Леонтъев, педагогик лойиҳалаш ва фаолият назариясини В.В.Давыдов, А.Н.Леонтъев, В.П.Беспалько, Г.И.Ибрагимов, В.С.Леднев, М.И.Махмутов, В.А.Сластенин, узлуксиз таълим концепциясини Б.С.Гершунский, Г.В.Мухаметзянова, А.М.Новиков, олий таълим тизимининг ҳудудий ривожланиш аспектиларини А.Г.Абросимов, Н.Васильченко, В.С.Иванов, В.П.Ковалевский, И.Майбуров, Л.Миляева, А.Рыкун, С.Смирнов ва таълим хизматлари бозорини А.Аветисова, И.Березина, Ш.Валиева, А.Запесоцкого, И.Молчановой, педагогик таълим кластер масаласини эса Ғ.И.Мухамедов, Ш.Қ.Мардонов, У.Н.Ходжамқулов, Ш.И.Ботирова, С.А.Тоштемирова, Қ.М.Маҳмудов каби ўзбек олимлари томонидан чуқур тадқиқ ва таҳлил этилиши, ўз навбатида, Европа ва Америка таълим тизимларида ушбу феноменни ўрганишни тақозо этади.


Америка, Европа ва Африка мамлакатлари илмий манбаларининг таҳлилига асосланиб қайд этишимиз мумкинки, “мактаб кластери (инглиз тилида – school cluster, немис тилида – Schulcluster)” ушбу минтақалар таълим тизимида алоҳида аҳамият касб этиб, мактаб кластери деганда, маъмурий ва таълим мақсадларидаги номутаносибликни бартараф этиш учун географик жиҳатдан бир-бирига имкон қадар яқин жойлашган мактабларнинг бирлашиши назарда тутилади.

Келтирилган илмий далил ва хулосалар, шунингдек, 2-расмда берилган маълумотлардан аён бўладики, таълим кластерлари турли минтақаларнинг таълим тизимига жорий этилган бўлса-да, унинг структураси айнан бир хил эмас, ҳар бир шаклдан кутиладиган мақсад ва эришиладиган натижалар ўзига хосдир. Шунга қарамасдан, таълим тизимига кластер ёндашувни киритиш, мактаб кластерларини тузиш орқали қўйидаги умумий мақсадлар ҳамда натижаларга эришилади:

– барча таълим босқичи (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус (профессионал) таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим) иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бу орқали тезкор ўзаро маълумот ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда лойиҳаларда иштирок этиш ва бошқа имкониятларга эга бўлиш;

– ҳамкорликда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бу орқали иш берувчиларнинг талабларига жавоб берадиган чуқур билимли мутахассислар тайёрлаш;

– малакавий амалиёт самарадорлигини ошириш, бунда ОТМда ўқитиладиган назарий билимлар ва амалиётда талаб этиладиган кўникмалар мутаносиблигига эришиш нуқтаи назаридан иш кўриш;



2-расм. МДҲ мамлакатлари, Германия ва инглиззабон мамлакатларининг таълим кластерлари мазмуни

– мавжуд ахборот ресурслари, моддий ресурслар (бино-иншоот ва майдон) ва педагогик ресурсдан самарали фойдаланиш, бунда мавжуд “ресурслар” барча кластер иштирокчилари учун умумий “ресурс” сифатида қаралади, уни мақсадли ва самарали тақсимлаш асосий мезон саналади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Малакавий амалиёт талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим босқичи сифатида**” деб номланган. Мазкур боб малакавий амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчида касбий компетентликни шакллантириш масаласининг услубий асослари, кластер воситасида касбий компетентликка асосланган малакавий амалиёт тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаш ва унинг назарий моделини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларини ёритишга бағишланган.

Кенг маънода, фалсафанинг назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик борасидаги асосий масалаларидан бири сифатида, қолаверса, фалсафада амалиёт моддий, сезиш мумкин бўлган, объектив, мақсадга йўналтирилган инсон фаолияти, билиш натижалари ҳақиқати мезони сифатида қараладиган¹ (малакавий) амалиёт, тор маънода, бу олий ўқув юртларида касбий тайёргарликнинг муайян шакли бўлиб, у касбий билимларга асосланади, маълум назарий асосларга таянади, касбий фаолиятнинг қонуниятлари ва тамойиллари, уни ташкил этиш усуллари тўғрисида амалий билимлар беради. Ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўқитувчининг касбий фаолияти билан белгиланади. Амалиёт мустақил педагогик фаолиятга мос шароитларда ўтказилади ва ўқитувчининг иши сингари хилма-хил функция ҳамда муносабатлар билан тавсифланади. Ўрганишларимиздан аён бўлдики, О.А.Абдуллина, И.С.Архангельский, В.А.Сластенин каби рус олимлари малакавий амалиётнинг тузилиш тамойилларини, вазифалари ва функцияларини илмий асослаб беришган. Жумладан, малакавий амалиётни ташкил этишда унинг инсонпарварлик, илмийлик, назария ва амалиётнинг бирлиги, узлуксизлик, изчиллик ва тадрижийлик, интеграллашганлик, мослашувчанлик каби тамойилларини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ. Чунки уларга асосланиб, мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантириш воситаси сифатида малакавий амалиётнинг асосий функциялари белгиланади.

Малакавий амалиётнинг асосий мазмуни – бу педагогик фаолият бўлиб, унда фаолият юритиш ёндашуви нуқтаи назаридан асосий компонентлар сифатида дастлабки ҳолат, мақсад, восита, шарт ва натижа қаралиши мумкин. Уни қуйидагича схематик тасвирлаш унда психология, педагогика, фан ва уни ўқитиш методикаси бўйича билимларнинг муносабат мазмунини ифодалайди (3-расм).

Ўқитувчининг касбий компетентлигининг муҳим хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг тузилишини (мотивацион, когнитив, фаолиятга йўналганлик, рефлексив каби компонентларини яхлит бир бутунлик сифатида), шунингдек, амалиётнинг мазмунига мувофиқ малакавий амалиёт давомида талабаларда касбий компетентликни шакллантиришнинг учта босқичи мавжудлиги

¹ Қ. батафсил: Крюкова Т.А. Формирование профессиональной компетентности будущего учителя в процессе педагогической практики // Дисс ...канд. пед. наук. – Волгоград, 2004. – С. 44-46.

аниқланди: 1-босқич – касбий кадриятларга йўналтирилган; 2-босқич – касбий фаолиятга йўналтирилган; ва 3-босқич – касбий-ижодий фаолиятга йўналтирилган. Ҳар бир босқичнинг хусусиятларини таҳлил қилиш уларда ўқитувчининг касбий компетентлигининг у ёки бу компонентларининг устувор аҳамият касб этишини аниқлашга имкон беради. 1-босқичда мотивацион компонент, 2-босқичда когнитив ва фаолиятга йўналганлик компонентлари, 3-босқичда эса рефлексив компонент етакчи ўринни эгаллайди.

Фанни ўқитиш методикасига доир билимлар

Фанга доир билимлар

Педагогик билимлар

Психологик билимлар

3-расм. Малакавий амалиёт билимлар муносабати

Ўқитувчи касбий компетентлигининг компонентларини ўзаро боғланиши уларнинг иерархик муносабатидан далолат беради, яъни бирор компонентни мукамал ўзлаштириш учун ундан олдингиларини ҳам ўзлаштириш талаб этилади. Бу каби касбий компетентликни шакллантириш босқичларига оид изланишлар таҳлили ва хулосаларга таяниб, малакавий амалиёт жараёнида касбий компетентликни шакллантириш тузилмаси тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилди. Унга кўра, малакавий амалиётнинг ҳар бир босқичида амалиётчи-талаба муайян касбий компетенцияларни эгаллаши мақсад қилинади, бунга эришиш учун маълум вазифалар белгиланади ҳамда ушбу компетенцияларни шакллантириш воситалари ҳамда кутиладиган натижалар аниқ таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, малакавий амалиётни ташкил этишда қуйидаги кўрсатмаларга амал қилиш талаб этилади:

- дарслар ва ўқув-тарбиявий машғулотларнинг бошқа шакллари малакавий амалиётнинг компонентлари унинг мақсадлари сифатида эмас, балки талабаларнинг касбий маҳорат ва кўникмаларини, шунингдек, касбий ва шахсий фазилатларини шакллантиришнинг педагогик воситаси сифатида намоён бўлиши керак;

- малакавий амалиётнинг асосий мақсади бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик компетентликни шакллантиришдан иборат экан, талабалар ушбу компетентликни ўзлаштиришлари учун етарлича шарт-шароит яратиш, уларни шу мақсадга эришишга йўналтириши зарур;

- талабаларнинг касбий-педагогик рефлексиясини ривожлантирувчи рефлексив муҳитни яратиш талаб этилади.

Дунёнинг етакчи ОТМлари билан нафақат тажриба, балки талаба ва ўқитувчилар алмашинувидан кўзланган мақсадлардан бири ҳамкор хорижий ОТМ битирувчилари билан рақобатлаша оладиган кадрларни тайёрлаш бўлса, иккинчиси, айнан мазкур таълим муассасаси тажрибасини ўрганиш ва мақбул жиҳатларини ўз таълим тизимимизга жорий этиш, шу орқали Европа таълим сифатига эришиш саналади. Қолаверса, дунёнинг деярли барча ривожланган

давлатлари қаторида маҳаллий олий таълим муассасаларига киритилаётган таълимнинг “КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ”га кўра, малакавий амалиётни ташкил этишнинг кластер ёндашуви воситасида компетентликка асосланган педагогик ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Соҳага оид адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, немис мактаб ўқитувчилари тайёрланадиган барча таълим йўналишларида «мактаб малакавий амалиёти (ММА)» ўз аксини топган, шунингдек, у якуний имтиҳонларга рухсат бериш учун мажбурий шартлардан бири ҳисобланади. Агар амалиёт муваффақиятли ташкил қилинса, ОТМда ўзлаштирилган фанга оид, тарбиявий, илмий ва дидактик назарий билим ва улар асосида эгалланган амалий кўникмаларни мактаб ўқув жараёнида “жонли” текширишнинг имкони бўлади, шу билан бир қаторда, кейинги ўқув фаолият учун аниқ хулосаларга эришилади. Бунда «НАЗАРИЯ-АМАЛИЁТ=БИР БУТУНЛИК» тамойили таъминланади.

Мактаб амалиётини ҳамкор мактабларда ташкил этишдан мақсад амалиётчи-талабаларга қай тарзда раҳбарлик қилиш, уни қандай қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа маълумотларни олдиндан ўша мактабдан тайинланадиган ўқитувчиларни ОТМда ташкил этиладиган махсус семинарларда ўргатишдан иборатдир.

Таҳлиллардан маълум бўладики, биргина амалиётни ташкил этиш жараёнида мактаб ва ОТМ ўртасида йўлга қўйилган ўзаро кластер ҳамкорлик нафақат ушбу жараённи осон, самарали бўлишини, балки ундан кўзланган мақсадга тўлиқ эришишни таъминлайди. Бу эса айнан биз тадқиқ этаётган “Таълим кластери” асосида мактаб малакавий амалиётини самарали ташкил этиш имкониятини ўзида намоён этади.

Демак, юқорида тадқиқ этилган немис амалиёт тизими модели малакавий амалиётни самарали ташкил этиш учун педагогик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳайделберг педагогика университетининг мазкур амалиёт моделини миллий таълим тизимимизга ижодий ўзлаштириш бўлажак ўқитувчиларни таёрлашда уларда касбий компетенцияларни шакллантиришга ёрдам беради.

Малакавий амалиёт бўйича Германия педагогик таълим тизими тажрибаси ўзининг шахсга йўналтирилганлиги ва компетенциявий ёндашувга асосланганлиги билан бугунги кунда Ўзбекистон педагогик таълим тизимида қўлланилаётган анъаналарга мос келади. Чунки компетенциявий, шахсга йўналтирилган каби ёндашувлар замонавий педагогик ёндашувлар сифатида илмий тадқиқ ва амалиётга жорий қилинмоқда.

Ижодий ўзлаштириш жараёнида мамлакатимиз таълим сиёсатидаги етакчи тамойилларни сақлаш ва мавжуд шарт-шароитлар инобатга олиниши лозим. Кластер ёндашувини малакавий амалиёт мазмунига сингдириш бўлажак ўқитувчиларни таёрлашда кўп томонлама масъулият бўлишини таъминлайди.

Биз тадқиқотимиз давомида амалга оширилган таҳлиллар ва илмий хулосаларга таянган ҳолда кластер ёндашуви воситасида компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиёт моделини ишлаб чиқдик (4-расм).

		МТМ	УМ	МАҚСАД	ОТМ	ИТИ								
МАҚСАД БЛОКИ	Педагогик фаолиятга доир муайян БМКларни ўзлаштириш		Педагогик фаолиятни амалга оширишга тайёргарлик	Касбий фазилатларни ўзлаштириш		Касбий компетенцияларни ўзлаштириш	ФАНГА ДОИР БИЛИМЛАР							
	Инсонпарварлик тамойили	Илмийлик тамойили	Назария ва амалиёт бирлиги тамойили	Ўзлуksизлик, изчиллик, тадрижийлик тамойили	Интеграллашган-лик тамойили	Мослашувчанлик тамойили								
МЕТОДИК ЁНДАШУВ БЛОКИ	Касбга мослашиш, яъни адаптив-психологик малакавий амалиёт (1,2-босқич)		Касбий-таянч малакавий амалиёт (3-босқич)			Касбий мутахассисликка йўналтирилган амалиёт (4-босқич)	МЕТОДИК БИЛИМЛАР							
	Кузатиш Таҳлил Таклиф Тавсия Кўриш Эшитиш Иштирок этиш Бажариш													
ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН БЛОКИ	дарс машғулоти кузатиш	музокараларда иштирок этиш	дарс машғулоти лойиҳалаштириш	муҳокама	ота-оналар билан ишлаш	конференция ва суҳбатларда қатнашиш	маънавий-маърифий тадбирларда қатнашиш	хужжатларни ўрганиш	кабий тажрибани орттириш	ўқитиш тажрибасини тизимли таҳлил қилиш	ўқувчилар билан ижтимоий муносабатларга киришиш кўникмаси	бошқа касбий компетенциялар	ПЕДАГОГИК БИЛИМЛАР	
	Касбга мослашиш, яъни адаптив-психологик малакавий амалиётда ўзлаштириладиган компетенциялар													
НАТИЖА БЛОКИ	Фан бўйича эгаллаган назарий билимларини амалда қўллай олиш		Ўз касбий фаолиятга тайёргарлик даражаси, унинг сифати учун жавобгарликни ҳис этиш			Шакланган мезонлар асосида умумтаълим мактабидаги педагогик вазиятларни идрок этиш ва талқин қила олиш			Тарих фанидан даср машғулоту турига мувофиқ метод ва технологияларни танлаш, улардан самарали фойдалана олиш			ЭГАЛЛАНГАН БИЛИМЛАРНИ ҚўЛЛАЙ ОЛИШ		
	Касбий-таянч малакавий амалиётда ўзлаштириладиган компетенциялар													
	Ҳар хил турдаги дарс машғулотлари режасини туза олиш		Таълимда саломатликни таъминлайдиган технологияларни қўллай олиш			Таълим сифатини баҳолай олиш			Муайян ўқувчи ёки умуман гуруҳ учун психологик-педагогик тавсифнома туза олиш					
	Касбий мутахассисликка йўналтирилган амалиётда ўзлаштириладиган компетенциялар													
Педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ҳар хил турдаги дарс машғулотларин		Дарс машғулотлари ва тадбирларни ўтказишда интерактив методлар ва ҳаракат шаклларида фойдалана олиш			Психологик-педагогик билимлардан фойдаланган ҳолда муаммоли вазиятларни ҳал қила олиш			Компетентликка асосланган ёндашув асосида очик дарс машғулотларини таҳлил қила олиш						
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИККА ЭГА МУТАХАССИС														

4-расм. Кластер ёндашуви воситасида компетентликка асосланган мактаб малакавий амалиёт модели

Мазкур модель Германия педагогик таълим тизимидаги кластер ва компетенциявий ёндашувга йўналтирилган малакавий амалиётнинг илғор тажрибаларини ижодий ўзлаштириш ва мамлакатимиз таълим амалиётига мослаштириш асосида ишлаб чиқилган. Моделда бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга устуворлик берилган.

Соҳага оид манбалар таҳлилидан аён бўладики, замонавий педагогикада компетенциявий ёндашув кенг қўлланилмоқда. Ҳар бир шахс, хусусан, мутахассис қандай компетенцияга эга бўлса, унинг компетентлик даражаси шунга монанд намоён бўлади. Малакавий амалиёт талаба (амалиётчи)нинг компетентлигини шакллантириш жараёни ҳисобланиб, бунда амалиётчи шахсияти унинг педагогик фаолиятида қўллай оладиган (эгаллаган) билим, методика ва педагогик маҳорати ҳамда техникаси сифатида намоён бўлади. Ўқитувчининг касбий ривожланишида асосий ролни интеллектуал компетентлик эгаллайди, унинг шаклланиши, истисносиз, барча таълим соҳаларининг ривожланишига замин яратади. Айнан компетентликка асосланган таълимий ёндашувда малакавий амалиётнинг аҳамияти янада ошади. Мавзу борасида олиб борган тадқиқотларимиз асосида малакавий амалиёт тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: малакавий амалиёт – бу ўқувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришда педагогик фаолият шакллари, воситалари ва методларини лойиҳалаш, қўллаш ва ривожлантириш бўйича алоҳида педагогик босқич ҳамда тармоқдир. Билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида ўқитувчи шахсиятини намоён этувчи унинг билими, методикаси ва маҳорати билан ўқувчилар шахсияти ўзаро тўқнашади, уларнинг ўзаро таъсири юзага келади. Малакавий амалиётнинг асосий мақсади – умумий илмий, маданий, психологик ва педагогик фанлар бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, шунингдек, ўқув фанларини ўқитиш методикасини мустақил равишда ишлаб чиқиш учун касбий компетенцияни, назарий билимларни, педагогик маҳорат ва қобилиятларни шакллантиришдан иборат.

